

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2020.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШАНКУЛОВ АЛИШЕР ФАРМОНОВИЧ

**ТИОЛ СТАБИЛИЗАТОРЛАР БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
ГИБРИД CdSe/ZnS КВАНТ НУҚТАЛАР СИНТЕЗИ ВА ОПТИК-
ЎЛЧАМ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 – Физик кимё ва 02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва
нанотехнология (кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ишанкулов Алишер Фармонович

Тиол стабилизаторлар билан модификацияланган гибрид CdSe/ZnS квант нуқталар синтези ва оптик-ўлчам хоссалари..... 3

Ишанкулов Алишер Фармонович

Синтез и размерно-оптические свойства гибридных квантовых точек CdSe/ZnS модифицированные тиольными стабилизаторами..... 21

Ishankulov Alisher Farmonovich

Synthesis and optical-dimensional characteristics of hybrid CdSe/ZnS quantum dots modified with thiol-stabilizers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2020.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШАНКУЛОВ АЛИШЕР ФАРМОНОВИЧ

**ТИОЛ СТАБИЛИЗАТОРЛАР БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
ГИБРИД CdSe/ZnS КВАНТ НУҚТАЛАР СИНТЕЗИ ВА ОПТИК-
ЎЛЧАМ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 – Физик кимё ва 02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва
нанотехнология (кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/К362 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Мухаммадиев Нурали Қурбоналиевич**
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рўзимуродов Олим Нарбекович**
кимё фанлари доктори, профессор

Сидиков Абдужалол
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.02.05 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “31” январь соат 13-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «20» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «19» январдаги 12 - рақамли реестр баённомаси).



Насимов А.М.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Сайиткулов Ш.М.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

Нормахматов Р.
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда яримўтказгичли нанокристаллар ёки квант нуқталарга асосланган материаллар қуёш батареялари учун фотоэлементлар, оптоэлектрониканинг янги авлод ёруғлик диодлари, турли сенсор ва дисплейлар, лазерли муҳитлар асосини ҳосил қилишда ҳамда тиббиётда биобелгилар ва даволаш тадбирларида дори воситаларини манзилли етказишда ҳамда бошқа соҳаларда кенг қўлланилганлиги учун уларга эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг қўлланилиш имкониятларини ошириш, янги таркиб ва композитдаги квант нуқталарга асосланган материалларни олиш бўйича тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда.

Жаҳонда квант нуқталарнинг олиниши, оптик-ўлчам хоссаларини ўрганиш ва қўлланилиш имкониятларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, тизимлаштирилган матрицали муҳитлар (цеолитлар, молекуляр элактар), микроэмульсия мицеллалари, геллар, полимерлар, шиша ва суюқ кристаллар олинган. Уларнинг ўлчам параметрларини текшириш бўйича муҳим натижаларга эришилган. Металлар халкогенидлари асосидаги нанокристаллар, хусусан люминесценция хоссасига эга бўлган ва юқори оптик ҳамда кимёвий барқарорликни намоён қиладиган CdSe ёки “ядро/қобик” тизимли CdSe/ZnS квант нуқталар мукамал ўрганилган. Шу билан бир қаторда квант нуқталарнинг барқарорлигини таъминлаш, оптик хоссаларини барқарорлаштиришда ўлчам монодисперслигини сақлаш, ядро сиртида қобикларнинг ҳосил қилиниши, гидрофоб лигандларни гидрофилларига алмаштириш назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Республикамизда квант нуқталар ва уларнинг турли композитларини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг оптик-ўлчам характеристикаларини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу боис наноматериаллар, квант нуқталар жумладан, CdSe ёки “ядро/қобик” тизимли CdSe/ZnS квант нуқталар синтезининг замонавий усулларини яратиш, уларнинг монодисперслиги ва барқарорлигини таъминлаш, оптик-ўлчам хоссаларини бошқариш, ядро сиртида қобикларнинг ҳосил қилиниши, гидрофоб лигандларни гидрофилларига алмаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар ўта муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда 2021 йил ноябрдаги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ҳамда ривожланишнинг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб молекуляр-нурли эпитақсия усулида квант нуқталарини олишнинг физик-кимёвий усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Квант нуқталарини олишнинг оддий ва жуда самарали юқори температурали коллоид синтез номли кимёвий усули Муррай, Норрис ва Бавенди каби олимлар номлари билан боғлиқ. Бу борада V.Y. Gak, S.B. Brichkin, V.F. Razumov, O. Chen J. Zhao, V.P. Chauhan, J. Cui, C.Wong, D.K. Haggisлар ҳам катта ҳисса қўшдилар. Россияда Р.Р. Шамилов, А.А. Нугаева, Д.Н. Чаусов, В.В. Беляев, Ю.Г. Галяметдинов ва бошқаларнинг хизматлари салмоқли бўлиб, квант нуқталарни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда янги композит материалларни яратиш, нанозаррачаларни бошқариладиган (назорат қилинадиган) воситалар тизимига киритиш каби соҳаларда ҳам илмий изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига ҳисса қўшаётган профессорлар сифатида А.Саримсаков, О.Н.Рўзимуродов, Ҳ.И.Ақбаров, Н.Каттаев, Н.Қ.Мухаммадиев, Қ.Ф.Халилов ва бошқаларни таъкидлаш мумкин. Квант нуқталар синтез усуларини ўрганиш, оптик-ўлчам кўрсаткичларни таҳлил қилиш, турли қўшимчалардан тозалаш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий изланишларни ўзбек олимлари ҳам олиб боришмоқда.

Лекин бугунги кунгача монодисперс ўлчамли ва юқори люминесцент квант унумли барқарор квант нуқталарни синтез қилиш, улар сиртини модификациялаш ҳамда синтез усулларини излаб топиш борасида етарлича тадқиқотлар бажарилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Ф7-83 “Хроматографик жараёнларни моделлаш,

мақбуллаш ва “Ушланиш катталиклари - хоссалари” ўзаро боғлиқликларни ўрганиш ва уларни нанохроматографияда қўлланилиши” мавзусидаги фундаментал (2017-2020) лойиҳаси ҳамда Россия Федерацияси Қозон миллий тадқиқотлар технология университети билан ҳамкорлик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиол стабилизаторлари билан модификацияланган гибрид CdSe/ZnS квант нуқталарни люминесцент-спектрал хоссаларининг ўлчамга боғлиқлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коллоид муҳитда CdSe квант нуқталарини синтез қилиш ва оптик-ўлчам хоссаларини аниқлаш;

гибрид CdSe/ZnS “ядро-қобик” тизимли квант нуқталарни синтез қилиш ҳамда уларнинг ютилиш, люминесцент-флуорисцент спектрларини таҳлил қилиш;

гибрид CdSe/ZnS квант нуқталарни турли стабилизаторлар иштирокида модификациялашни тадқиқ этиш;

CdSe, гибрид CdSe/ZnS, ҳамда “CdSe/ZnS + стабилизатор” дан иборат квант нуқталар кластерларини квант-кимёвий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида CdSe ва гибрид CdSe/ZnS квант нуқталари ҳамда турли тиол гуруҳ сақлаган стабилизаторлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. CdSe, гибрид CdSe/ZnS ҳамда турли тиол гуруҳ сақлаган стабилизаторлар билан барқарорлаштирилган квант нуқталарнинг оптик-ўлчам хоссалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда спектрофотометрия, спектрофлуориметрия, ИҚ-спектроскопия, трансмиссион электрон микроскопия ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор тиол гуруҳи сақлаган додекантиол-1, меркаптопропион кислотаси, L-цистеин, додецил дигидролипоат кислота эфири билан барқарорлаштирилган гибрид “ядро-қобик” тизимли CdSe/ZnS квант нуқталари модификациялаштирилган;

квант нуқталар ва улар кластерлари ютилиш, люминесцент ҳамда флуоресцент спектрларининг заррача ўлчам параметрларига юқори корреляцион боғлиқликда эканлиги аниқланган;

гибрид тизимли CdSe/ZnS квант нуқталарида олеин кислотанинг бошқа барқарорлаштирувчиларга алмаштирилиши квант унуми қуйидаги қаторда ошиб бориши (меркаптопропион кислота → L-цистеин → додецил дигидролипоат кислота эфири → додекантиол → триоктилфосфин) аниқланган;

илк бор CdSe, CdSe/ZnS ва “CdSe/ZnS+стабилизатор” тизимли квант нуқталар кластерларининг барқарорлиги ҳамда оптик хоссалари квант-кимёвий жиҳатдан баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

CdSe, CdSe/ZnS ва “CdSe/ZnS+стабилизатор” тизимли квант нуқталар синтези ва уларни модификациялаш услублари ишлаб чиқилган;

CdSe асосида гибрид квант нуқталар синтезининг мақбул шароитлари аниқланган ва улар асосида “CdSe/ZnS+стабилизатор” системалари синтез қилинган;

CdSe асосида олинган гибрид квант нуқталарнинг оптик-ўлчам характеристикалари бўйича олинган маълумотлар уларнинг люминесцент хоссаларини башоратлашда қўлланилган;

ютилиш ва флуоресценция спектрларини ҳамда нанозаррачалар физик-кимёвий хусусиятларини ўрганишда олинган натижалар бўёқлар–протеин комплексларини тадқиқ этишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий натижалар ва хулосалар замонавий спектрофотометрик, спектрофлуориметрик, ИҚ-спектроскопик, трансмиссион электрон микроскопия, квант-кимёвий ҳисоблаш усулларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гибрид “ядро-қобик” тизимли CdSe/ZnS квант нуқталарни модификациялаш, уларни квант-кимёвий нуқтаи назардан асослаш, CdSe, CdSe/ZnS ва “CdSe/ZnS+стабилизатор” тизимли квант нуқталарнинг ўлчам-оптик хоссалари бўйича маълумотларни бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти CdSe, CdSe/ZnS ва “CdSe/ZnS+стабилизатор” тизимли квант нуқталарининг синтези ва уларни модификациялаш услубларининг ишлаб чиқилганлиги, синтез мақбул шароитларининг аниқланганлиги, гидрофоб коллоид тизимлардан гидрофиль тизимларга ўтишда ютилиш ва флуоресценция спектрларининг физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил қилишда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Тиол стабилизаторлар билан модификацияланган гибрид CdSe/ZnS квант нуқталар синтези ва оптик-ўлчам хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

CdSe/ZnS квант нуқталарнинг оптик-ўлчам хоссалари №ОТ-Ф2-30 “Органик бўёқларнинг биологик объектлар ва металл нанозаррачалари билан комплексларининг фотоникаси” мавзусидаги илмий лойиҳада металл нанозаррачаларининг органик бўёқлар билан комплексларини аниқлашда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2021 йил 8 ноябрдаги 10-4434-сон маълумотномаси). Натижада, металл нанозаррачаларининг органик бўёқлар билан кластерларини олиш ва уларнинг оптик-ўлчам хоссаларини аниқлаш имконини берган;

“CdSe/ZnS+стабилизатор квант нуқталари ёрдамида оқава сувлар таркибида синтетик бўёқларни идентификациялаш” усули “АНМАД ISROIL TEX” МЧЖ Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (“АНМАД ISROIL TEX” МЧЖ Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 2021 йил 26 августдаги 54-сон маълумотномаси). Натижада, оқава сувлар таркибидаги синтетик бўёқлар миқдорини мониторинг қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 25 та, жумладан 16 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Квант нуқталарининг олиниши ва синтездан кейинги қайта ишлаш усуллари**” бўйича адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда квант нуқталарини олишнинг физикавий усуллари, коллоид квант нуқталарни олишнинг кимёвий усуллари, коллоид квант нуқталарнинг мицелляр синтези, коллоид квант нуқталарни юқори температурали синтези, гидрофиль қобикли квант нуқталар, гидрофоб лигандларни гидрофильга алмаштириш усули, квант нуқталарнинг спектраль-люминесцент хоссалари, коллоид квант нуқталарни қўлланилиш истиқболлари, *CdSe* квант нуқталарининг структур ва электрон хоссаларини квант-кимёвий баҳолаш бўйича илмий материаллар атрофлича таҳлил этилган, диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати ҳақида хулосалар асосланган.

Диссертациянинг II боби “**Тадқиқот объектлари, усуллари ва синтези**”га бағишланган бўлиб, унда реактивлар ва материаллар, тадқиқот усуллари, *CdSe* квант нуқта ядросининг синтези, “ядро/қобик” типдаги гибрид *CdSe/ZnS* квант нуқталар синтези, гибрид квант нуқталарни модификациялаш, юқори ҳароратли триоктилфосфин стабилизатори билан модификацияланган гибрид *CdSe/ZnS* КНлар синтези, нанокристалларнинг квант унумини ҳисоблаш бўйича маълумотлар ўрин олган.

Диссертациянинг III боби “**CdSe квант нуқталарини молекуляр моделлаш**”га бағишланган бўлиб, унда Cd_nSe_n ($n=3\div 20$) кластерларини молекуляр моделлаштириш, турли стабилизаторлар билан

модификацияланган $(\text{CdSe})_{17}$ кластерининг энергетик хараakterистикалари, $(\text{CdSe}/\text{ZnS})_{17}$ кластерларининг таъқиқланган ҳудуд энергетикасини ўрганиш ҳақидаги маълумотлар берилган.


CdSe квант нуқталарининг оптоэлектрик хоссалари уларнинг ўлчамига боғлиқлиги люминесценция спектрининг кўриш диапазони соҳасида эканлиги молекуляр моделлаш имконини беради. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда объект сифатида Cd_nSe_n ($n=3\div 20$) кластерлари олиниб, уларнинг органик стабилизатор молекуласи билан ҳосил қилган системаларининг молекуляр моделлаш механизми қараб чиқилди.

Cd_nSe_n кластери учун n нинг қиймати 3 дан 20 гача ўзгартирилиб дастурий ҳисоблашлар амалга оширилди. Валент $E(\text{HOMO})$ ва ўтказиш $E(\text{LUMO})$ ҳудудлари ўртасидаги “электрон-тирқиш” жуфтлиги энергетик даража фарқи $n=17$ бўлгунча ошиб боргани кузатилди. Мазкур фарқнинг ошиши “электрон–тирқиш” жуфтлиги энергетик даражасининг ошишига олиб келади. Натижада таъқиқланган зонада электроннинг ҳаракатланиш имконияти ошади ҳамда мос равишда жараён люминесценциясининг интенсивлигини, яъни квант унумини оширади. Шу нуқтаи назардан текширилган кластерлардан $(\text{CdSe})_{17}$ таркибли заррача энг катта энергетик даражага, E_g га эга бўлиб, унда квант унуми нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Шунинг учун ҳам кейинги текширишлар ва ҳисоблашлар айнан $(\text{CdSe})_{17}$ кластери билан амалга оширилди.

HOMO ва LUMO Cd-Se тизимли молекуляр орбиталларида ўтказиш зонаси (CB) ва валент зонаси (VB) айнан Cd ва Se атомларидан шаклланган турли стабилизаторли кластерларнинг электрон хоссалари улар учун хос бўлган электрон спектрларини таҳлил қилиш усулида ўрганилди. Ҳисоблашлар натижалари “электрон тирқиш” жуфтлиги E_g HOMO ва LUMO энергетик сатҳлари

$$E_g = E_{\text{LUMO}} - E_{\text{HOMO}}$$

ўртасидаги ҳудудга мос келади (1-расм).



1-расм. Турли стабилизаторли кластерларнинг таъқиқланган зона кенглиги ва HOMO-LUMO молекуляр орбиталларнинг энергетик даражаси.


Ҳисоблашлар стабилизатор молекулалари билан қопланган $(\text{CdSe})_{17}$ кластерларнинг комплексларида мақбуллаштирилган энергия кўрсаткичи стабилизаторсиз Cd-Se боғларидан унча фарқ қилмаслигини кўрсатди. Органик молекуланинг иштироки боғни узайтиришга ва электрон булут зичлигининг Cd-Se боғига яқин томонга силжишга олиб келади. Cd-Se боғининг узунлиги олеин кислота билан 2,698 Å, додекантиол билан 2,702 Å, додецилдигидро липоат кислота эфири билан 2,778 Å, цестеин билан 2,633 Å, меркаптопропион кислота билан 2,675 Å ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Турли стабилизаторли $(\text{CdSe})_{17}$ кластеридаги Cd-Se боғ узунлиги ва электрон булут зичлиги

Стабилизатор	Cd-Se боғ узунлиги Å	Электрон булут зичлиги
Олеин кислота	2,698	1,1789
Додекантиол	2,702	1,0932
Додецилдигидро липоат кислота эфири	2,778	1,7265
Цестеин	2,633	0,94256
Меркаптопропион кислота	2,675	1,0012

Таҷрибаларда квант нуқталар стабилизаторлар билан барқарорлаштирилганда улар сиртининг ҳолатига таъсир этиши кузатилди. Бу жараён квант нуқтанинг “электрон – тирқиш” жуфтлик энергетик ҳудуд (зона) кенглигининг қисман ўзгартиришига олиб келади. Олинган натижалар 2-расмда келтирилган. $(\text{CdSe})_{17}$ кластер сиртини ZnS билан қоплаш натижасида таъқиқланган ҳудуд энергияси 7,3217 эВ дан 12,4696 эВ гача, турли органик бирикмалар билан барқарорлаштириш эса энергия қийматини 12,4696 эВ дан 12,8791 эВ гача ошишига олиб келганлиги аниқланди.




2-расм. $(\text{CdSe})_{17}$ асосидаги квант нуқталар сирти турли стабилизаторлар билан қопланганда “электрон – тирқиш” жуфтлик энергетик даражасининг ўзгариши

2-расмда келтирилган маълумотлардан стабилизатор молекуласи квант нуқталарнинг оптоэлектрик хоссалари, жумладан “электрон – тирқиш” жуфтликнинг энергетик хоссаларига катта таъсир кўрсатишини изоҳлаш мумкин. Шунинг учун $(\text{CdSe})_{17}$ квант нуқталарининг қобиксиз ва ZnS билан қопланган ҳолатдаги турли органик бирикмалар билан ҳосил қилган тизимларини ҳисоблаш ишлари амалга оширилди. Бунда органик бирикма молекуласининг кластерга нисбатан сони ва ўзаро жойлашуви ҳам ўзгартирилди.

Диссертациянинг IV боби “**CdSe асосидаги квант нуқталарнинг оптик-ўлчам хоссалари**” га бағишланган бўлиб, унда коллоид эритмали CdSe ҳамда “ядро/қобик” тизимли гибрид CdSe/ZnS квант нуқталарининг ютилиш ва люминесценция, флуоресценция спектрлари таҳлили, квант унуми ва оптик-ўлчам хоссалари муҳокама қилинган. Квант нуқталарни модификациялаш жараёнида, хусусан триоктилфосфин стабилизатори билан барқарорлаштирилган гибрид CdSe/ZnS квант нуқталарнинг хоссалари, нанозаррачанинг ўлчами ва морфологияси синтезнинг вақти ҳамда ҳароратга боғлиқлиги ўрганилган.

Олеин кислотаси (ОК) стабилизатор сифатида қўлланилиб, октадецен муҳитида юқори ҳароратда CdSe КН лари синтез қилинди. Олинган CdSe нанозаррачаларнинг люминесценция спектрида нисбий интенсивлик диапазони 550-650 нм тўлқин узунлигига мос келмоқда (4а-расм). CdSe КНлар люминесценция спектрининг интенсивлик диапазони тор ва симметрик бўлиб, коллоид квант нуқта нанокристалларида сирт дефектларининг жуда камлигидан далолат бермоқда. Ушбу тадқиқотлар гибрид “ядро/қобик” тизимли CdSe/ZnS квант нуқталари учун ҳам бажарилди. Таъкидлаш лозимки ядро атрофида қобикнинг ўстирилиши люминесценция интенсивлигини сезиларли даражада ошишига олиб келди. Шунингдек спектр максимумини қисқа тўлқин узунлигига томон силжиганлигини кузатиш мумкин (3а-расм). Люминесценция спектри чўққиси 555 нм га кўчмоқда. Бу ҳодисани КН ядроси гидродинамик ўлчамининг қичрайиши билан изоҳлаш мумкин.



3-расм. CdSe (OK) ва CdSe/ZnS (OK) КН ларини люминесценция (а) ва ютилиш (б) спектрлари. Стабилизатор олеин кислота (ОК).

CdSe ва CdSe/ZnS КНлари ютилиш спектрларини ҳам қиёсий таққослашдан ядро сирт юзасида қобик ўстирилгандан сўнг экситон чўққисининг қисқа ҳудудга томон силжиганини кўриш мумкин (3б-расм).

Квант нуқталарнинг ўртача гидродинамик ўлчами уларнинг ютилиш спектридаги экситон чўққисининг ҳолатига қараб қуйидаги тенглама орқали аниқланди:

$$D = (1.6122 \cdot 10^{-9}) \cdot \lambda^4 - (2.6575 \cdot 10^{-6}) \cdot \lambda^3 + (1.6242 \cdot 10^{-3}) \cdot \lambda^2 - 0.4277 \cdot \lambda + 41.57$$

бунда D – нанозаррача диаметри, λ – мос равишда спектрлардаги максимум тўлқин узунлиги.


Ҳисоблашларга кўра $CdSe$ КНлар ядросининг ўртача ўлчами 3,7 нм ташкил этди. $CdSe$ сирт юзасида ZnS қобиғининг ўсиш жараёнида ядронинг сирт юзасида жойлашган кадмий ионларининг руҳ ионлари билан алмашилиши натижасида $CdSe$ ядросининг гидродинамик ўлчами 3,7 дан 2,8 нм гача қисқариши кузатилди.

Ундан ташқари $CdSe/ZnS$ квант нуқталарининг люминесценция ва ютилиш спектрлари билан бирга уларнинг ўртача гидродинамик ўлчам тақсимоти гистограммаси ҳам олинди (4а-расм).

Гибрид $CdSe/ZnS$ квант нуқталарнинг ўлчам ва шаклини аниқлаш учун нурлантирувчи электрон микроскопдан фойдаланилди (4б-расм).


Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, синтез қилинган $CdSe/ZnS$ КНларнинг ўртача гидродинамик ўлчами стабилизатор қобиғини эътиборга олган ҳолда 11,3 нм ни ташкил этди. Умумий ўлчамнинг бундай ошишига асосий сабаб $CdSe$ ядроси сирт юзасида ZnS қобиғининг ўстирилишидир. жараёнда ZnS қобиғи моноқаватининг ўлчами 0,35 нм.ни ташкил этади.

4б-расмдан кўришиб турибдики, “ядро/қобиқ” тизимли КНлар бир жинсли, яъни монодисперслидир. Нанозаралар кристалларининг шакли сферик ҳолда сақланиб қолинган бўлиб, улар ядросининг ўлчами 2,8 нм гача кичрайди.




4-расм. $CdSe/ZnS$ (ОК) КНларнинг ўртача гидродинамик ўлчам тақсимоти гистограммаси (а) ва электрон микроскоп (ТЕМ)да олинган тасвири (б)

$CdSe$ нанокристалларининг сирт юзасида ZnS қобиғини ўстириш жараёни олтингугурт прекурсорларини реакцион муҳитга қўшиш вақтини ўзгартириш (3, 5, 7, 10, 13, 15 минут давомида) натижасида КНларнинг люминесценция спектрлари интенсивликларининг ўзгариши кузатилди (5-расм).



5-расм. Гибрид $CdSe/ZnS$ ККНларнинг (турли синтез вақтидаги) люминесценция ва уч ўлчамли люминесценция спектрлари

6-расмда турли синтез вақтида $CdSe/ZnS$ квант нуқталари олеин кислота стабилизатори билан барқарорлаштириш асосида олинган нанозаррачаларнинг ўртача гидродинамик ўлчам тақсимоти гистограммалари келтирилган.




6-расм. Синтезнинг турли вақтида $CdSe/ZnS$ (ОК) КН ларининг ўртача гидродинамик ўлчам тақсимоти гистограммалари.

Гистограммалардан кўриниб турибдики, синтез вақтининг ошиши билан гибрид $CdSe/ZnS$ квант нуқталарнинг улуши сезиларли даражада ўзгармай умумий гидродинамик ўлчами ошмоқда. Бу эса ўз навбатида нанозаррачаларнинг полидисперслиги камайганлигидан далолат беради. Тадқиқотларда ядронинг ўлчами 2,8 нм.да сақланган ҳолда қобикнинг қаватлари сони ошиши сабабли умумий ўртача гидродинамик ўлчам ошганлиги қайд этилди.

Квант нуқталар сирт юзасини модификациялаш. ККНларнинг оптик-ўлчам хоссалари уларнинг сирт юзаси ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариши тадқиқотларда кузатилди. Гидрофоб лигандларни гидрофилга алмаштириш

жараёнлари хусусан, *CdSe* ядроси сирт юзасидаги гидрофоб лигандли олеин кислотаси гидрофиль лигандли додекантиолга алмаштириш маълум бўлган услубдан фойдаланиб амалга оширилди. Синтез қилинган ККНларнинг люминесценция (а) ва ютилиш (б) спектрлари қуйидаги расмда келтирилган (7-расм).




7-расм. *CdSe* (ОК) ва *CdSe* (ДДТ) ККНларнинг люминесценция (а) ва ютилиш (б) спектрлари. Стабилизатор: ОК–олеин кислота; ДДТ–додекантиол.

Люминесценция спектрларидан ядро сирти гидрофобдан гидрофильга алмаштирилганда КНларнинг люминесценция интенсивлиги кескин камайганлиги кузатилди (8а-расм). Ютилиш спектрларидан (8б-расм) кўриш мумкинки, ядро сирт юзаси олеин кислота додекантиол лигандига алмаштирилгандан кейин ҳам КНларнинг ютилиш диапазони бир хил тўлқин узунлиги соҳасига мос келмоқда. Бу ҳодиса синтез жараёнида *CdSe* ядросининг сақланиб қолганлигини ва фақатгина лигандлар алмашганлигини аңлатади.


Кейинги тадқиқотларда *CdSe* ва *CdSe/ZnS* гибрид КНлар учун ядро қобиклар ўстирилгандан сўнг гидрофоб олеин кислота лиганд гидрофиль додекантиол лигандига алмаштирилди. Олинган квант нуқталарнинг уч ўлчамли люминесценция (а) ва ютилиш (б) спектрлари 8-расмда тасвирланган.

ККНларни модификациялаш учун реагент сифатида додецилдигидро липоат кислота эфири ҳам қўлланилди. Ядро сирт юзасида қобик ўстирилгандан сўнг олеин кислота додецилдигидро липоат кислота эфирига алмаштирилди.




8-расм. *CdSe* (ОК), *CdSe/ZnS* (ОК) ва *CdSe/ZnS* (ДДТ) ККНларининг уч ўлчамли люминесценция (а) ва ютилиш (б) спектрлари.

Барча ҳисоблашлар юқорида қайд этилган услубиятдаги тенглама ва формулалардан фойдаланиб амалга оширилди. Синтез жараёнида олинган квант нуқталарнинг люминесценция спектрлари ва ўлчамли тақсимоти 9-расмда келтирилган.



9-расм. Гибрид $CdSe/ZnS$ (ОК) ва $CdSe/ZnS$ (ДЛ) КҚНларнинг люминесценция спектрлари (а) ҳамда ўртача гидродинамик ўлчам тақсимоти гистограммаси (б)

КҚНларнинг сирт юзаси олеин кислотасини додецилдигидро липоат кислота эфири билан алмаштириш асосида олинган ИҚ-спектрлари ҳам қиёсий таҳлил қилинди (10-расм).




10-расм. $CdSe/ZnS$ (ОК), $CdSe/ZnS$ (ДЛ) ва додецилдигидро липоат кислота эфирли КҚНларнинг ИҚ спектрлари.

ИҚ спектрларидан кўриниб турибдики, олеин кислота билан барқарорлаштирилган $CdSe/ZnS$ гибрид квант нуқталари инфрақизил спектрларида олеат аниони COO^- гуруҳининг интенсив симметрик ва асимметрик тебраниш сигналлари 1546 ва 1456 см^{-1} частоталарда мавжуд. ДДЛ молекуласи таркибидаги $-COOR$ гуруҳида эса 1734 см^{-1} қийматли кучли сигнал борлиги ҳамда $C-O$ даги ўртача боғланиш интенсивлиги 1249 ва 1174 см^{-1} тебраниш частотаси диапазонида кузатилмоқда. Ўз навбатида 2922 , 2854 ва 1461 см^{-1} қийматдаги валент тебранишлар частоталари сигналлари $C-H$ гуруҳларига тегишлидир.

“Ядро/қобик” тизимли гибрид $CdSe/ZnS$ коллоид квант нуқталарни барқарорлаштиришни давом эттириш мақсадида олеин кислотаси меркаптопропион кислота (МПА) ва цистеин (Цс) стабилизаторлари билан


хам алмаштирилди. Стабилизаторлари олеин кислота, меркаптопропион кислота ва цистеин гибрид $CdSe/ZnS$ ККНларнинг ютилиш спектрлари қиёсий солиштирилди (11а-расм). Қайд этилган стабилизаторларда ККНларнинг ютилиш спектрларида экситон чўққисининг ҳолати ўзгармаганлигини кўриш мумкин. Стабилизатор табиатининг таъсирини ўрганиш мақсадида уларнинг спектрлари ҳам олинди ва қиёсий таққосланди (11б-расм).



11-расм. Гибрид $CdSe/ZnS$ (ОК), $CdSe/ZnS$ (Цс) ва $CdSe/ZnS$ (МПА) ККНларнинг ютилиш (а) ҳамда $CdSe/ZnS$ ККНларининг турли стабилизаторли люминесценция (б) спектрлари.

Ютилиш спектрларидан кўришиб турибдики, турли стабилизаторлар учун $CdSe/ZnS$ ККНларнинг “ядро/қобик” тизимида экситон чўққиларининг ҳолатида ўзгариш кузатилмаяпти. Бу ҳолат коллоид тизимда $CdSe/ZnS$ квант нуқтаси сақланиб қолганлигидан далолатдир.

11б-расмдаги спектрлар асосида стабилизаторларнинг люминесценция интенсивлигини ошириб бориш тартибини қуйидаги қатор сифатида ифодаллаш мумкин:



Тўлқин узунлигининг қисқа ҳудудга кўчиш тартибини эса қуйидагича ифолалаш мумкин:



Синтез қилинган CdSe ва гибрид $CdSe/ZnS$ нанокристалларининг квант унуми кумарин усулида, родамин 6G (96% ли) нинг этанолдаги эритмаси асосида қуйидаги тенглама орқали аниқланди:

$$QY = QY_{\text{род}} \cdot S_{\text{КН}}/S_{\text{род}}$$

CdSe ва гибрид $CdSe/ZnS$ нанокристаллар квант унумининг турли эритувчиларда олинган қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар қуйидагиларни таъкидлайди:

биринчидан – стабилизаторли коллоид квант нуқтанин квант унуми стабилизаторсиз ККНга нисбатан тахминан 5 мартаба юқоридир;

иккинчидан – турли стабилизаторлар қўлланилганда квант унумининг 19% дан 96% гача ошганлиги қайд этилмоқда. Хусусан, юқори кўрсаткич “ядро/қобик” тизимли квант нуқталарда намоён бўлмоқда.

учинчидан – эритувчининг табиати ҳам квант унуми кўрсаткичига сезиларли даражада таъсир этмоқда. Бу катталиқ сувли муҳитда 66% гача бўлган бўлса, толуол муҳитида 96% гача ошмоқда.

тўртинчидан – турли стабилизаторлар ва эритувчилар муҳити учун люминесценция спектрининг тўлқин узунлиги диапазони фарқ қилаётганлиги кузатилмоқда. Сувли муҳитда эса стабилизатор таъсири мавжуд эмас, лекин КНларнинг квант унуми кўрсаткичларида сезиларли ўзгариш мавжуддир.

2-жадвал

CdSe ва гибрид CdSe/ZnS нанокристалларининг квант унуми

Квант нуқталар	λ (Флуор.)	Эритувчи	Стабилизатор	Квант унуми
CdSe	590	Толуол		4.9%
CdSe	584	Толуол	Олеин кислота	19%
CdSe/ZnS	540	Толуол	Олеин кислота	72%
CdSe/ZnS	540	Сув	Додекантиол	66%
CdSe/ZnS	540	Сув	Додецилдигидро липоат кислота эфири	62%
CdSe/ZnS	540	Сув	Цестеин	59%
CdSe/ZnS	540	Сув	Меркаптопропион кислота	54%
CdSe/ZnS	490	Толуол	Триоктилфосфин	96%

Турли стабилизаторлар билан барқарорлаштирилган КНларининг ўлчами назарий ҳисоблашлар асосида ҳамда ёруғлик нурунинг динамик сочилиш усулида бажарилган амалий натижалардан олинган қийматлари 3-жадвалда келтирилган. Кўриниб турибдики, CdSe квант нуқтаси ядро сирт юзасида ZnS қобиғи ўстирилгандан сўнг ядронинг ўлчами 3,7 нм дан 2,8 нм гача кичраймоқда. Тадқиқотларда ядро сирт юзасида ZnS қобиғи иккинчи қобик қилиб ўстирилди. Қобиклар сонининг ошиши билан люминесценция спектри интенсивлигининг камайиши ҳам кузатилди. Турли стабилизаторлар қўлланилганда эса лиганд занжирининг узунлигига қараб (1,35 нм.дан 2,35 нм.гача) нанозаррача гидродинамик ўлчамининг ўзгарганлиги (8,2 нм.дан 9,6 нм.гача) ҳам қайд этилди.

Тадқиқотларда синтез жараёни учун прекурсорни реакцион муҳитга қўшиш вақти кинетикасини баҳолаш мақсадида муҳит сифатида олинган октодецин ўрнига глицерин ҳам қўлланилди. Синтез вақти ўзгартирилиб глицеринли эритма учун ҳам olein кислотаси стабилизатор сифатида танланди.

3-жадвал

ККНларнинг дастурий ҳисоблаш ва ёруғлик нурунинг динамик сочилиш асосида бажарилган натижаларда олинган ўлчамлари (нм)

Заррача	CdSe (ОК)	CdSe/ZnS (ОК)	CdSe/ZnS (ДТ)	CdSe/ZnS (ДДЛ)	CdSe/ZnS (Цс)	CdSe/ZnS (МПА)
CdSe	3,7	2,8	2,8	2,8	2,8	2,8
ZnS	-	0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Стабилизатор	2,35	2,35	1,7	2,5	1,35	1,65
CdSe ГД	8,4	9,3	8,0	9,6	8,2	8,8

Синтез қилинган ККНлар оптик-ўлчам хоссаларининг синтез жараёни вақтига боғлиқлиги бўйича олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

ККНлар оптик-ўлчам хоссаларининг синтез жараёни вақтиги боғлиқлиги

КН синтез вақти	3 мин	5 мин	15 мин	25 мин
Ютилиш чўққисининг ҳолати (экситон чўққи), нм	555	582	592	599
Ютилиш чўққисидан аниқланган заррачалар ўлчами, нм	3,7	3,9	4,2	4,6
Люминесценция чўққисининг ҳолати, нм	576	604	613	617
Люминесценция чўққисининг ярим кенглиги, нм	37	41	44	43
Гидродинамик ўртача ўлчам, нм	8,4	8,8	10,0	10,6

Мазкур жадвал маълумотлари асосида шуни қайд этиш мумкинки, синтез вақтининг ошиши ютилиш спектри экситон чўққиси ҳолатининг ўнг томонга силжишига ва нанозаррачаларнинг ўртача ўлчамининг катталашшига сабаб бўлмоқда. Люминесценция спектри чўққиси ҳолатининг ўнг томонга силжиши ва чўққи ярим кенглигининг кенгайиши эса ўртача гидродинамик ўлчамнинг ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат олинадиган ККНларнинг ўлчамини синтез вақти бўйича бошқариш имкониятини яратди.

“Тиол стабилизаторлар билан модификацияланган гибрид CdSe/ZnS квант нуқталар синтези ва оптик-ўлчам хоссалари” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. CdSe ва гибрид “ядро/қобик” тизимли CdSe/ZnS коллоид квант нуқталари синтезининг мақбул шароитлари ўрганилди ҳамда уларнинг оптик-ўлчам параметрлари ўрнатилди. Синтезнинг мақбул шароитларида ККНларнинг спектраль ва морфологик характеристикалари аниқланди.

2. Гидрофоб агент сифатида қўлланилган олеин кислота лиганди додекантиол, додецилдигидролипоат кислота эфири, цистеин, меркоптопропион кислота қаба гидрофиль агентлар билан алмаштириш натижасида ККНларнинг сувли муҳитда эрувчанлиги ва барқарорлигининг ошиши ҳамда нанозарралар сферик шаклининг сақланиб қолинганлиги қайд этилди.

3. ККНларни қўлланилган усулда модификациялаш жараёнида квант унумининг эритувчи ва стабилизатор табиатига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Жумладан, квант унумининг юқори кўрсаткичи “ядро/қобик” тизимли квант нуқталарда 19 % дан 96 % гача ошганлиги қайд этилди.

4. CdSe ядроси атрофида ZnS қобиғини ўстириш натижасида ҳосил бўлган “ядро/қобик” тизимли коллоид квант нуқта ядроси гидродинамик ўлчамининг 3,7 нм дан 2,8 нм гача кичрайишига ва монодисперс нанозаррачалар олинишига олиб келди. Уларда люминесценция интенсивлиги ҳамда флуоресценция хоссаларининг сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.

5. Модификациялаштирилган “ядро/қобик” тизимли ККНлар кластерларининг оптик-ўлчам параметрлари квант-кимёвий дастурлар асосида баҳоланди. Cd_nSe_n кластерларида $n=17$ та молекуладан ташкил топган квант нуқта нанозаррачаси учун “электрон – тирқиш” жуфтлигининг таъқиқланган ҳудуд энергияси энг катта қийматга эга эканлиги, $(CdSe)_{17}$ кластер сиртини эса ZnS билан қоплаш натижасида таъқиқланган ҳудуд энергиясининг 7,3217 эВ дан 12,4696 эВ гача ошишига, турли органик бирикмалар билан барқарорлаштирилганда унинг қиймати 12,4696 эВ дан 12,8791 эВ гача ошишига олиб келинганлиги кўрсатилди.

6. Олеин кислотали CdSe/ZnS нанозаррачадаги стабилизатор синтетик органик бўёк молекулаларига алмаштирилгандан кейинги ютилиш спектри чўққисининг ҳолати 526 нм, заррачалар ўлчами 3,6 нм, люминесценция чўққисининг ҳолати 572 нм, чўққининг ярим кенглиги 28 нм, ўртача гидродинамик ўлчами 8,6 нм, органик бўёк қобиғининг ўлчами 2,40 нм ҳамда квант унуми 72 % ни ташкил этганлиги қайд этилди ва CdSe/ZnS квант нуқталарини органик бўёқлар учун нишон сифатида ишлатиш имконининг борлиги исботланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/03/30.12.2019.К.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИШАНКУЛОВ АЛИШЕР ФАРМОНОВИЧ

**СИНТЕЗ И РАЗМЕРНО-ОПТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ГИБРИДНЫХ
КВАНТОВЫХ ТОЧЕК CdSe/ZnS МОДИФИЦИРОВАННЫЕ
ТИОЛЬНЫМИ СТАБИЛИЗАТОРАМИ**

**02.00.04 - Физическая химия
02.00.12 - Нанохимия, нанофизика и нанотехнология
(химические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/К362

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу www.samdu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мухамадиев Нурали Курбаналиевич**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рўзимуродов Олим Нарбекович**
доктор химических наук, профессор

Сидиков Абдужалол
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится « 31 » 01 2022 года в 13-00 часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.03/30.12.2019.К.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, физико-химический корпус, 3-й этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № 9. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru

Автореферат диссертации разослан « 20 » 01 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 12 от « 19 » 01 2022 г)



Насимов А.М.
Председатель разового научного совета
по присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

Сайиткулов Ш.М.
Ученый секретарь разового научного
совета по присуждению учёной степени,
к.х.н., доцент

Нормахматов Р.
Председатель разового научного
семинара при Научном совете
по присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире год за годом растет внимание к полупроводниковым нанокристаллам или квантовым точкам. Поскольку полупроводниковые нанокристаллы и материалы на их основе широко используются в фотоэлементах для солнечных элементов, оптоэлектронике при создании светодиодов нового поколения, различных сенсоров и дисплеев, лазерных носителей и биомедицинских и терапевтических вмешательств в медицине и других областях. Квантовые точки имеют высокий молярный коэффициент экстинкции и стабильную фотостабильность, с которой поддерживается плотность движущегося заряда, поэтому они также используются в качестве люминесцентных символов с особыми свойствами. Кроме того, уникальные оптические свойства квантовых точек позволили контролировать синтез заданных конкретных наночастиц, поскольку их размер зависит от квантования.

Во всем мире был проведен ряд исследований для изучения получения квантовых точек и оптически размерных свойств. В частности, были получены систематизированные матричные среды (целлюлиты, молекулярные сита), микроэмульсионные мицеллы, гели, полимеры, стекло и жидкие кристаллы. Значительные результаты были достигнуты при изучении их размерных параметров. Нанокристаллы на основе халкогенидов металлов, в частности, CdSe или структурные квантовые точки CdSe/ZnS типа "ядро/оболочка", обладающие свойством люминесценции и высокой оптической и химической стабильностью, были досконально изучены. В то же время изучение стабильности квантовых точек и поддержание их оптических свойств является одной из актуальных проблем теоретического и практического значения при формировании размерных монодисперсных, формировании оболочек на поверхности ядра, замене гидрофобных лигандов гидрофильными.

В нашей стране особое внимание уделяется и достигаются определенные результаты по разработке новых методов получения квантовых точек и их различных композитов, совершенствованию существующих и изучению их оптико-размерных характеристик. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи по "производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, разработки принципиально новых продуктов и технологий, тем самым обеспечивая конкурентоспособность национальных товаров в внутреннем и внешнем рынке".¹

Исследования по разработке современных методов синтеза наноматериалов, квантовых точек, включая квантовые точки типа CdSe или "ядро/оболочка" CdSe/ZnS, обеспечение их монодисперсности и

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".

стабильности, контроль оптико-размерных свойств, формирование оболочки на поверхности ядра, превращение гидрофобных в гидрофильные лиганды имеет большое практическое значение.

Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», №ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспорта и импортной деятельности организаций химической промышленности» № ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по обеспечению устойчивого снабжения народного хозяйства востребованной продукцией и сырьем» и № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года» Дальнейшее реформирование химической отрасли и повышение ее инвестиционной привлекательности Результаты данного диссертационного исследования послужат в той или иной степени реализации задач, поставленных в постановлениях «О мерах» и ноябрьских 2021 г., а также других нормативных актах.

Соответствие исследования приоритетных направлений развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Анализ литературных данных показал, что с 1990-х годов во всех развитых странах мира проводятся систематические исследования по разработке физико-химических методов получения квантовых точек методом молекулярно-световой эпитаксии.

Простой и очень эффективный химический метод получения квантовых точек, называемый высокотемпературным коллоидным синтезом, связан с именами таких ученых, как Мюррей, Норрис и Бавенди, В.Я. Гак, С. Бричкин, В.Ф. Разумов, О. Чен Дж. Чжао, В. Чаухан, Дж. Цуй, К. Вонг, Д. К. Харрис, Р. Шамилов, А.А. Нугаева, Д. Чаусов, В. Беляев, Ю.Г. Галяметдинова. Значительными были заслуги и других учёных в разработке методов синтеза квантовых точек, а также создание новых композиционных материалов и внедрение наночастиц в систему аналитического контроля.

Узбекские ученые также проводят исследования, направленные на изучение методов синтеза квантовых точек и анализа оптико-размерных свойств. Можно отметить работы профессоров А.Саримсакова, О.Н.Рузимуродова, Х.И.Акбаров, Н.Каттаев, Н.К. Мухамадиева, К.Ф. Халилова и других, внесших вклад в развитие этого направления в Узбекистане.

Однако на сегодняшний день недостаточно исследований по синтезу и поиску методов синтеза монодисперсных и высоколюминесцентных квантостабильных квантовых точек а также модификации их поверхности.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертация выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Самаркандского государственного университета фундаментальному гранту ОТ-Ф7-83 «Моделирование, оптимизация хроматографических процессов и

исследование взаимосвязей “Параметры удерживания – свойства” и их применение в нанохроматографии” (2017-2020 г.г.) а также в рамках договора о трудовом сотрудничестве между Самаркандском государственным университетом и Казанским национальным технологическим университетом Российской Федерации.

Цель исследования: Зависимости люминесцентно-спектральных свойств гибридных квантовых точек CdSe/ZnS, модифицированные тиоловыми стабилизаторами от размера.

Задачи исследования:

синтез квантовых точек CdSe в коллоидной среде и определение их оптико-размерных свойств;

синтез гибридных структурных квантовых точек типа "ядро-оболочка" CdSe/ZnS и анализ их спектров поглощения, люминесцентно-флуоресцентных спектров;

